

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 1**

Наманган шаҳри

“09” Сентябрь 2022 йил

Наманган мухандислик - технология институти академик лицейи номидан Низом асосида фаолият юритувчи ижрочи директор Б.А.Султанов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “HAMKOR SANOAT SAVDO SERVIS” МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Б.Я.Артиков (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг

1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг

1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни академик лицейида тахсил олаётган талабаларни имтиёзли овкатлантиришни таъминлаш ва талабаларга иссиқ овқат тайёрлаш ва тарқатиш аутсорсинг бериш хизматини Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “09” Сентябрдан.

2022 йил “31” Декабргача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуидаги ҳукуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таниархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқлар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишида техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳакида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши.

2.2.8. Хизматларнинг сифатлизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши.

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши.

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши.

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши.

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши.

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши.

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишини (малакасини оширишини) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда).

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огоҳлантириши, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш.

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вактингча фойдаланишга бериши.

2.4.3. Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи Тахсил олаётган талабалар учун 225 602 400,00 (Икки юз йигирма беш миллион олти юз икки минг тўрт юз) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.2.2. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.2.3. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан қайта қўриб чиқилади.

### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

### **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## **VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки түлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгіб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишили органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарлиқдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

## **VII. Якунловчи қоидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажralmas қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома уч нусхада тузилган.нусхалари айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## **VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Ушбу Шартнома Газначилик бўлими тамонидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь қадар амал қиласи.

## **IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

### **“Хизмат курсатувчи”**

**«HAMKOR SANOAT SAVDO SERVIS » МЧЖ**

Манзили: Наманган шахар 2-кичик нохия

Спортчилар кучаси 1- уй

X/P: 2020 8000 600 397 634 001

Банк: Наманган шахар Узб-Гер Савдогар АТ банк

Наманган филиали

МФО: 00227 ИНН: 303072225

### **“Буюртмачи”**

**Нам МТИ академик лицейи**

Наманган шахар Давлатобод туман

И.Каримов кўча 2-уй

ИНН:205815186 ОКОНХ: 92120

ШХВ: 100010860144017092500079003

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ғазначилиги

ОКОНХ: \_\_\_\_\_ x/p:23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш бошқармаси

ХККМ МФО: 00014 Фазна ИНН 201122919

Жамият раҳбари \_\_\_\_\_ Б.Я.Артиков



Юрист



Ижрочи директор

Б.А.Султанов

Юрист

Р.Ш.Инамова

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномагаилова

### ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

№	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик лари сони	Жами сумма ҚҚС сиз(сўм)	ҚҚС __%	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январь							
2	Февраль							
3	Март							
4	Апрель							
5	Май							
6	Июнь							
7	Июль							
8	Август							
9	Сентябрь	19	хизмат	26800	4943	132 472 400,00		132 472 400,00
10	Октябрь	25	хизмат	26800	2318	62 122 400,00		62 122 400,00
11	Ноябрь	26	хизмат	26800	1142	30 605 600,00		30 605 600,00
12	Декабрь	25	хизмат	26800	15	402 000,00		402 000,00
	<b>Шартноманинг жами суммаси</b>					<b>225 602 400,00</b>		<b>225 602 400,00</b>

#### Х. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

##### “Хизмат курсатувчи”

«HAMKOR SANOAT SAVDO SERVIS » МЧЖ

Манзили: Наманган шахар 2-кичик нохия

Спортчилар кучаси 1- уй

X/P: 2020 8000 600 397 634 001

Банк: Наманган шахар Узб-Гер Савдогар АТ банк

Наманган филиали

МФО: 00227 ИНН: 303072225

##### “Буюртмачи”

Нам МТИ академик лицейи

Наманган шахар Давлатобод туман

И.Каримов кўча 2-уй

ИНН:205815186 ОКОНХ: 92120

ШХВ: 100010860144017092500079003

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ғазначилиги

ОКОНХ: \_\_\_\_\_ x/p:23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш бошқармаси

ХККМ МФО: 00014 Фазна ИНН 201122919



Жамият раҳбари

Б.Я.Артиков



Ижроини директори

Б.А.Султанов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"HAMKOR SANOAT SAVDO SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"HAMKOR SANOAT SAVDO SERVIS" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.10.2014

07474

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

303072225

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:


Namangan viloyati, Namangan shahri, 2-KICHIK TUMAN SPORTCHILAR  
KO'CHASI 1-UY ,

Guvochnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“09” Сентябрь 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Нам МТИ академик лицейи томонидан 2022 йил “24” августдаги 22110012142764-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Академик лицейида тахсил олаётган талабаларни имтиёзли овқатлантиришни таъминлаш ва талабаларга иссиқ овқат тайёрлаш ва тарқатиш аутсорсинг хизматини бажариш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «HAMKOR SAVDO SANOAT SERVIS” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти  
Ижрочи директори:**

**Б.А.Султанов**

**Давлат буюртмачи ташкилоти  
бош хисобчиси:**

**Ш.А.Обидов**



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 142764 на приобретение НамМТИ  
академик лицейда таҳсил олаётган талабаларни имтиёзли овқатлантиришни таъминлаш  
ва талабаларга иссиқ овқат тайёрлаш ва тарқатиш учун аутсорсинг хизматини ташкил  
этиш**

Способ проведения электронный

Дата 06.09.2022

Время рассмотрения 05.09.2022 17:02

Конкурсная комиссия Наманган мухандислик технология институти академик лицейи, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SULTANOV BAXTIYOR ALIMJANOVICH	Комиссия раиси Ижрочи директор	Нам МТИ академик лицей
<b>Секретарь комиссии</b>	XOJAYEV KOMILJON MAMATKARIMOVICH	Комиссия котиби МИИБД	Нам МТИ академик лицей
<b>Член комиссии</b>	MURODULLAYEV MIRZAOLIMXON RUSTAM O'G'LI	Комиссия аъзоси ЁБИБД	Нам МТИ академик лицей
<b>Член комиссии</b>	SOTVOLDIYEEVA JAMILAXON SIROJIDDINOVNA	Комиссия аъзоси КУК раиси	Нам МТИ академик лицей
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOVA XURSHIDA AXMADJONOVNA	Комиссия аъзоси Хамшира	Нам МТИ академик лицей
<b>Член комиссии</b>	INAMOVA RAYXONA SHAVKATOVNA	Комиссия аъзоси Юрист	Нам МТИ Академик лицей

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.09.2022 года № лота 142764.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по аутсорсингу приготовления еды
Подробное описание	август ойи
Количество товара	3 113.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000.00
Стартовая сумма	84 051 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по аутсорсингу приготовления еды
Подробное описание	декабр ойи
Количество товара	15.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000.00
Стартовая сумма	405 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	ноябр ойи учун
Количество товара	1 142.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000.00
Стартовая сумма	30 834 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	октябр ойи
Количество товара	2 318.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000.00
Стартовая сумма	62 586 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	сентябр ойи
Количество товара	1 830.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 000.00
Стартовая сумма	49 410 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 9. Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: 9. Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧК	10	26900	10	Экспертная		

Критерий №2 2. Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фотолавхалар), молиявий хисоботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 хисоботлар),

Тип: Текстовое значение

Описание: 2. Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фотолавхалар), молиявий хисоботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 хисоботлар),

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧК	10	26900	4	Экспертная		

Критерий №3 8. 2022-2023 йил куз-қиши мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500 кг, карам 2000 кг ва бошқа маҳсулотлари). 8. 2022-2023 йил куз-қиши мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500 кг, карам 2000 кг ва бошқа маҳсулотлари).

Тип: Текстовое значение

Описание: 8. 2022-2023 йил куз-қиши мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500 кг, карам 2000 кг ва бошқа маҳсулотлари).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧК	10	26900	10	Экспертная		

Критерий №4 3. Солиқлар (солиқ маълумоти) ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: 3. Солиқлар (солиқ маълумоти) ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>HAMKOR SOF TRADE МЧЖ</b>	10	26900	10	Экспертная		

Критерий №5 5. Умумий овқатланиш хизматида камида иккى йиллик тажрибага эга бўлиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: 5. Умумий овқатланиш хизматида камида иккى йиллик тажрибага эга бўлиши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Hamkor sanoat savdo servis MCHJ</b>	10	26800	10	Экспертная		
<b>HAMKOR SOF TRADE МЧЖ</b>	10	26900	5	Экспертная		

Критерий №6 7. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологиясибўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (мухандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазрар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатлари ва тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: 7. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологиясибўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (мухандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазрар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатлари ва тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Hamkor sanoat savdo servis MCHJ</b>	10	26800	6	Экспертная		
<b>HAMKOR SOF TRADE МЧЖ</b>	10	26900	6	Экспертная		

Критерий №7 4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб- тамоилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат активлар бошқармаси маълумоти), Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти)

Тип: Текстовое значение

Описание: 4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб- тамоилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат активлар бошқармаси маълумоти), Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>Hamkor sanoat savdo servis MCHJ</b>	10	26800	10	Экспертная		
<b>HAMKOR SOF TRADE МЧЖ</b>	10	26900	5	Экспертная		

Критерий №8 6. Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маълумотномаси)

Тип: Текстовое значение

Описание: 6. Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маълумотномаси)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧЖ	10	26900	5	Экспертная		

Критерий №9 10. Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойихасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши.

Тип: Текстовое значение

Описание: 10. Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойихасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	10	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧЖ	10	26900	10	Экспертная		

Критерий №10 1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2), Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3), Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2), Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3), Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	10	26800	8	Экспертная		
HAMKOR SOF TRADE МЧЖ	10	26900	6	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
------------------------	-----------------	--------------------	----------------------------------	------------------------	----------------------	------------------	-------------------------

Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	227 286 000.00	225 602 400.00 UZS	225 602 400.00	00.00	225 602 400.00	30.08.2022 21:03:01	10.00
HAMKOR SOF TRADE МЧЖ	227 286 000.00	226 444 200.00 UZS	226 444 200.00	00.00	226 444 200.00	31.08.2022 14:34:52	09.96

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Hamkor sanoat savdo servis MCHJ	84.6	10	94.6
HAMKOR SOF TRADE МЧЖ	63.9	9.96	73.86

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 142764 от 06.09.2022 года на приобретение НамМТИ академик лицейида тахсил олаётган талабаларни имтиёзли овқатлантиришни таъминлаш ва талабаларга иссиқ овқат тайёрлаш ва тарқатиш учун аутсорсинг хизматини ташкил этиш определила победителем:

Hamkor sanoat savdo servis MCHJ  
303072225

и резервный исполнитель: HAMKOR SOF TRADE МЧЖ (308569013)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SULTANOV BAXTIYOR ALIMJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	MURODULLAYEV MIRZAOLIMXON RUSTAM O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	SOTVOLDIYEVA JAMILAXON SIROJIDDINOVNA	Согласен	
Член комиссии	TURSUNOVA XURSHIDA AXMADJONOVNA	Согласен	
Член комиссии	INAMOVA RAYXONA SHAVKATOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП